

## **Уяли алоқа планшетларининг сертификатлаштириш түғрисида умумий маълумотлар.**

### **Кириш**

Маҳсулотни сертификатлаштириш — маҳсулот мувофиқликни баҳолаш органларининг норматив-хуқуқий хужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича фаолият.

### **Умумий талаблар**

Маҳсулотларни сертификатлашни ташкил қилиш ва ўтказиш ишлари белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари (кейинчалик матн бўйлаб СО) томонидан амалга оширилади.

Сертификатлаштиришда, маҳсулот мувофиқлигини тасдиқланиши лозим бўлган хусусиятлар (кўрсаткичлар) рўйхати, текшириш ва синаш усуллари келтирилган, сертификатлаштириладиган маҳсулотга меъёрий хужжатлар (кейинчалик матн бўйлаб МХ)да белгиланган талабларга мос эканлиги тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такорий синовлар ўтказилиши тақиқланади ва уларни беришда, идоравий бўйсимишидан қатъий назар, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан амалга оширилган синовларнинг ижобий натижалари асос бўлади.

**Директор ўринбосари**

**И.Халпаев**

